

Шайх Салоҳ Абул Ҳож ҳазратлари Самарқандга ташриф буюрди



21:30 / 27.11.2023 1674

Аввал хабар берганимиздек, Ислом илмлари халқаро университети, ҳанафий фикҳи факультети мудирини, **доктор Салоҳ Муҳаммад Солим Абул Ҳож** ҳазратлари юртимиз бўйлаб илмий сафарни бошлаган эдилар.

Бугун, шайх Салоҳ Абул Ҳож ҳазратлари Самарқанд вилоятида жойлашган Имом Бухорий номидаги ҳадис илми марказига ташриф буюрдилар. Ташриф жараёнида меҳмонлар марказдаги талабалар ва илмий тадқиқотчи олимларга яратилган шароитлар ҳамда олиб борилаётган илмий ишларни кўздан кечирдилар. Шунингдек, Имом Бухорий ҳаёт йўллари бағишланган музей билан ҳам яқиндан танишиб чиқдилар.

Сўнгра марказда таҳсил олаётган талабалар билан учрашув ташкил этилди. Учрашув асносида «**Фиқҳда ҳадис илмининг аҳамияти**» мавзусида суҳбат бўлиб ўтди.

Ушбу илмий суҳбат сўнгида талабаларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.





ISLOM.UZ







ISLAM.UZ

ollallohu alayhi vasallam:
ish har bir musulmonga
dir”, - dedilar.











Шу билан доктор Салоҳ Абул Ҳож ҳазратларининг Самарқанддаги ташрифлари якунига етди.